



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 21 апрель, № 78 (6513) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Ҳамкорлик алоқалари ривожланаяпти

Бухоро

Бухоро шаҳрида худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан бирга, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ҳам қатнашди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўз олганлар мазкур ярмарка тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда алоҳида аҳамиятга эга эканини билдирдилар. Шу боис унга бўлган қизиқиш йил сайин кучаймоқда. Масалан, ўтган йили ушбу тадбирда 234 та корхона қатнашган бўлса, жорий йилда улар сони 250 тага етди. Ўз навбатида, намойиш этилаётган маҳсулотлар тури ҳам кўпайиб, 1450 тадан ошди.

— Шуларнинг 37 таси

ўзимиздаги маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаб чиқарилаётган товарлардир, — дейди вилоят ҳокимилиги худудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармасининг саноатни ривожлантириш ва капитал қурилиш бўлими бошлиғи Анвар Очиллов. — Тадбир корхоналараро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, у ёки бу меҳнат жамоасига ишончли шерик топишда қулай имконият яратмоқда. Айтилик, ярмарка давомида “Бухоро электр тармоқлари” акциядорлик жамияти “Тошэлектрорпарат” хорижий корхонаси билан 3 миллиард 895 миллион сўмлик шартнома тузди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Саноат форуми якунида иштирокчилар ўртасида 47 миллиард 400 миллион сўмлик ва 7 миллион 934 минг АҚШ доллари миқдорда келишувларга эришилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кўркам дизайн ва юқори сифат

Жиззах

“Фориш саховати” хусусий корхонасида замонавий технологиялар асосида ошхона, ётоқхона, офис ва таълим муассасалари учун мебеллар тайёрланмоқда. Кичик бизнес субъекти ўтган йили банкнинг 235 миллион сўмлик кредити эвазига хориждан энг илғор дастгоҳларни харид қилгач, ишлаб чиқарилаётган жиҳозлар сифати ҳамда дизайни янада яхшиланишига эришилди. Шу билан бирга, харидор хоҳишига биноан, маҳсулотларга исталган ранг, ҳажм ва шакл бериш имконияти юзага келди.

— Технологик жараёнда маҳаллий хом ашёдан фойдаланамиз, — дейди корхона раҳбари Лазиз Ортиқов. — Келгусида мебелларимиз турини янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Корхонада жорий йилнинг биринчи чорагида 175 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ.

Кеча — ўқувчи, бугун — тадбиркор

Фарғона

Зулхумор Шералиева Фарғона шаҳридаги компьютер технологиялари касб-хунар коллежини тамомлаб, тадбиркорликка қўл урди. Атлас ва адрас мато-ларидан замонавий дизайнли либослар, сумкалар ҳамда пойабзаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

— Бизнес-режамни амалга оширишда банкнинг 100 миллион

сўмлик кредитдан самарали фойдаландим, — дейди ёш ишбилармон. — Эндиликда фаолиятимизни янада кенгайтириб, 20 та қўшимча иш ўрни яратишни мўлжаллаяпмиз. Эътироф этиш кераки, вилоятда ўтган йили тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 812 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СОҒЛОМ, ДУНЁҚАРАШИ КЕНГ, ИРОДАСИ МУСТАҲКАМ

Мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада замонавий мактабларда яратилган шарт-шароитлар, энг илғор ўқув ускуналари, ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни қанчалик муҳим бўлса, спорт ҳамда жисмоний тарбиянинг роли ҳам шу қадар аҳамиятлидир. Зеро, спортга ошно тутиниш, у билан мунтазам шуғулланиш кишини нафақат жисмонан чиниқтиради, балки маънавий ва руҳий жиҳатдан ҳам тоблайди.

БОЛАЛАР СПОРТИ



Шу маънода, юртимизда Президентимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиши фарзандларимизнинг жасур, мард, соғлом ва фидойи инсонлар сифатида камолга етишига мустаҳкам замин яратди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бинобарин, Жамғарма фаолияти йўлга қўйилганидан буён ўтган

вақт мобайнида мамлакатимизнинг барча ҳудудида юзлаб спорт иншоотлари барпо этилиб, фойдаланишга топширилдики, бу Ўзбекистондаги ҳар бир ўғил-қиз юксак гамхўрлик ҳамда меҳр оғушида эканлигини ифодалайди. Чунончи, Андижон вилоятининг шаҳар ва туманлари, энг чекка қишлоқларида ҳам қад ростлаган ана шундай кўркам

спорт мажмуаларидан кўз қувонади, дилда гурур уйғонади. Биз мазкур вилоятда бўлиб, мураббий ҳамда мутахассислар, ўғли ёки қиза-логининг спортга нисбатан меҳрини рағбатлантириш мақсадида ушбу йўналишдаги масканларга ошиқётган отаналар билан суҳбатлашдик.

(Давоми 3-бетда).

Божхона ишининг ҳуқуқий асослари янада такомиллашди

“Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун давлатимиз раҳбари томонидан имзоланиб, 2016 йил 21 январда матбуотда эълон қилинган эди. Унга биноан тасдиқланган янги тахрирдаги Божхона кодекси, таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда божхона назоратини самарали таъминлаш, юртимиз ҳудудида товар айланмасини тартибга солиш, ташқи савдони ривожлантириш ҳамда уни амалга оширишга шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамиятга эга.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Мухбиримиз қонуний кучга киратган ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳаётий зарурати ва мазмун-моҳияти ҳақида парламент аъзолари ҳамда мутахассислар фикрлари билан қизикди.

Умиджон СУЛАЙМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати: — Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамо-

лигида божхона ишини янада яхшилаш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид саъй-ҳаракатлар босқич-ма-босқич рўёбга чиқаришмоқда. Ўтган даврда ҳаётга татбиқ этилган бир қатор қонунлар мазкур тизимнинг самарадорлигини юксалтиришга хизмат қиляпти.

Давр талабидан келиб чиқиб, қолаверса, божхона ишида халқаро стандартларга мос бўлган ягона қонунчилик базасини шакллантириш, бож-

хона бошқарувининг барча даражасида ҳуқуқий норма ва муносабатларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг божхона томонидан тартибга солинишида комплекслик ҳамда шаффофликни ошириш мақсадида ишлаб чиқилган янги тахрирдаги Божхона кодексининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Қайд этиш жоизки, мазкур Кодексни Қонунчилик палатасида қабул қилиш жараёнида унинг

муҳокамасига депутатлар томонидан нафақат вазирлик ва идоралар, балки ушбу Кодекснинг субъектлари бўлган турли ташкилотларнинг мутахассислари ҳамда бошқа тадбиркорлик тузилмалари вакиллари кенг жалб этилди ва уларнинг тақлиф ҳамда тавсиялари олинди. Бу, ўз навбатида, мазкур ҳуқуқий ҳужжатни такомиллаштиришга, пировардида унинг амалиётда осон ва шаффоф ишлашини таъминлашга катта имкон берди.

Бинобарин, тўрт юздан ортиқ моддадан иборат янги тахрирдаги Божхона кодекси амалдагисидан концептуал нуқтаи назардан фарқ қилади. Унда божхона маъмурчилигининг барча босқичи ҳамда даражаларида меъёрий ва ташкилий ҳуқуқий механизмларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, божхона томонидан тартибга солишининг ошқоралигини оширишга эътибор қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда давлат органлари расмий веб-сайтларини ҳамда электрон давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Электрон давлат хизматлари кўрсатиш қўлами кенгаймоқда

Тадбирда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуннинг қоидаларини амалиётда қўллаш, давлат органларининг расмий веб-сайтларини яратиш ва маълумотларни янгиллаб бориш, шунингдек, электрон давлат хизматлари кўрсатишни тартибга солиш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашди.

Таъкидланганидек, давлат органлари ахборот тизимларининг самарадорлигини таъминлашда расмий веб-сайтлар ҳамда электрон давлат хизматлари инфратузилмасини кенгайтириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, расмий веб-сайтлардан фойдаланиш кенг жамоатчиликни хабардор қилишнинг самарали усулидир.

Айни пайтда электрон давлат хизматлари фойдаланиш давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятида кенг тарқалиб бораётган замонавий тажриба ҳисобланади.

Айни пайтда Қонун талабларига мувофиқ, барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг давлат тилидаги веб-сайтлари мавжуд бўлиб, уларнинг 50 фоизидан кўпроги фойдаланувчиларга инглиз тилида ҳам ахборотлар

тақдим қилиб келади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 114 та веб-сайтдан 90 таси фойдаланишда қулайлик яратиш ҳамда илғор технологик талабларни инобатга олган ҳолда, ўзларининг мобил шакллари жорий этган, 92 тасидан эса рўйхатга олишни янгиллаб бориш имконияти бор. Бу, ўз навбатида, фойдаланувчиларга тегишли давлат органларидан доллар бўлмаган маълумотларни автоматик равишда қабул қилишга кўмаклашади.

Сўнгги вақтларда давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат хизматларини электрон шаклда кўрсатиш қўлами кенгаймоқда. 2016 йилнинг биринчи чорагида давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали кўрсатилаётган электрон давлат хизматларининг умумий сони 1244 тага етган. Шу билан бирга, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 269 турдаги электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти таъминланган.

(Давоми 2-бетда).

Юртимиз банк тизимининг юксак салоҳияти

«BankExpo — 2016» IX миллий кўргазмаси иштирокчилари томонидан яна бир бор эътироф этилди

Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ўзбекистон Банклари ҳамда Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциациялари билан ҳамкорликда банк технологиялари, ускуналари ҳамда хизматлари «BankExpo — 2016» IX миллий кўргазмаси ўтказилди.

ТАДБИР

Мазкур тадбир Президентимизнинг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури, Инвестиция дастури ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оши-

риш борасида белгиланган вазифалар доирасида ташкил этилгани билан алоҳида эътиборга молик. Зеро, у мижозларни кредитлаш шартлари, механизмлари ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш тартиблари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси билан яқиндан таништириш, аҳолининг банк-

ларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, шунингдек, кредит ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим анжуман ҳисобланади.

Икки кун давом этган ушбу йирик форумга 48 мингдан ортиқ тадбиркорлар, хорижий инвестор ва экспертлар, касб-хунар коллежалари битирувчилари ҳамда аҳоли ташриф буюрган

бўлса, тижорат банкларининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи мингдан зиёд сертификатлари ва қимматбаҳо совғалари ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Шу маънода, мутахассис ҳамда тадбир иштирокчилари томонидан у “Йилнинг энг яхши кўргазмаси” сифатида эътироф этилгани бежиз эмас.

Кўргазма давомида меҳмонлар тижорат банклари стэндларида давлатимиз раҳбарининг соҳани янада ривожлантириш борасидаги Фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар, айниқса, касб-хунар коллежалари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқаришни молиявий қўллаб-қувватлашга доир маъ-

лумотлар билан яқиндан танишиш баробарида, ахборот технологиялари асосида кўрсатилаётган янги хизматлар, шу жумладан, депозит турлари ҳамда кредит маҳсулотларига катта қизиқиш билдиришди. Тизим фаолияти ва банкларнинг молиявий хизматлари ҳар томонлама автоматлаштирилгани, кредит ташкилотлари салоҳияти тобора юксалиб бораётгани яна бир қарра ишонч ҳосил қилдилар.

Кеча Ўзбекистон Банклари ассоциациясида кўргазма якуни бўйича ташкилотчилар томонидан таъсис этилган номинациялар солибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

Электрон давлат хизматлари кўрсатиш кўлами кенгаймоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Семинар давомида иштирокчилар интернет орқали давлат органларининг расмий веб-сайтларидаги давлат хизматлари ҳамда ахборотлардан фойдаланиш имконини оптималлаштиришни амалга оширишнинг таркиби ва мазмунига кўйилган кўрсаткич талаблари билан танишдилар. Уларга давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ахборотни кенг жамоатчиликка етказишда расмий веб-сайтлардан фойдаланиш механизми ва уларнинг самардорлигини ошириш бўйича зарур услубий тавсиялар берилди.

Уз навбатида, мутахассислар ҳамда ИТ-бўлими раҳбарлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг матбуот хизмати ходимлари “Электрон ҳукумат”

тизимини жорий этиш ҳамда такомиллаштириш жараёнида қонунлардаги қоидаларни татбиқ қилиш, яратилган идоравий ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини бир хиллаштириш ҳамда интеграциялашни ягона архитектурага келтиришни таъминлаш юзасидан батафсил маълумотга эга бўлдилар.

Тадбирда, шунингдек, электрон давлат хизматларини кўрсатишда давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Яқунда амалдаги қонунчиликка мувофиқ, электрон давлат хизматларини татбиқ этиш жараёнида оптималлаштириш ва давлат органларининг расмий веб-сайтлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича зарур тақлифлар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

Кардиологлар тажриба алмашди

Наманганда “Кардиология ва кардиохирургиянинг долзарб масалалари” мавзuida республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг етакчи олимлари, вилоятлардаги шу соҳага ихтисослашган шифокорлар қатнашди.

АНЖУМАН

Айтиш жоизки, мамлакатимиз тиббиётида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида кардиология соҳаси ҳам жадал ривожланиб бораётган. Буни, жумладан, юрак хасталикларига аниқ ташхис қўйиш, уни даволаш ишлари жаҳон андозалари даражасига кўтарилиб бораётганида яққол кўриш мумкин. Эътиборлиси, эндиликда мазкур йўналишдаги мураккаб жарроҳлик амалиётлари нафақат пойтахт, балки жойлардаги ихтисослаштирилган марказларда ҳам муваффақиятли ўтказилмоқда. Намангандаги ана шундай муассасада бундан ўн йил аввал очик артериал протокини боғлаш ва тикиш, юрак тўғма нуқсонини бўйича фалло триада-си ҳамда тетрадасининг радикал коррекцияси, ундан сўнг аорта коронар шунтлаш операциялари бажаририлган эди. Утган даврда марказ имкониятини янада кенгайтиб, мутахассислар тажрибаси ортди.

— Наманганда барча қўлайликка эга кардиология

маркази ташкил этилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани беморлар ўртасида юрак хасталигини аниқ ташхислаш, уни даволаш, хусусан, жарроҳлик амалиётларини ташкил этишнинг кенг имкониятларини юзга келтирди, — дейди академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директорининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Миржамол Зуфаров.

— Хусусан, авваллари Тошкент шаҳрида ёки хорижда амалга оширилган мураккаб операциялар эндиликда наманганлик кардиожарроҳлар томонидан шу ернинг ўзида бажарилмоқда.

Конференцияда республикамизнинг бир қатор таниқли олимлари, тажрибали врачларнинг маърузалари тингланиб, маърузат сабоқлари ташкил этилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунончи, Кодексда рухсат этиш хусусиятига эга бўлган турли хужжатларни бериш тартиб-таомиллари энгиллаштирилди. Тижорат ҳамда нотижорат мақсадларидаги транспорт воситаларини, шунингдек, товарларни боғжона чегараси орқали қувур транспорти ва электр ўтказувчи линиялар орқали олиб ўтиш тартиби анча мақбуллаштирилди. Боғжона назоратининг янги шакллари жорий қилинган эса боғжона назоратини мукамал ўтказишга ҳамда расмийлаштирув вақтини қисқартиришга олиб келди.

Айниқса, унда тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қўлайликлар диққатга сазовор. Масалан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига арашувларни қисқартириш мақсадида товарлар чиқариш юборилган кейинги боғжона назоратини ўтказиш муддати уч йилдан бир йилга қисқартирилди. Қолаверса, бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланган интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ўз ифодасини топди. Бу, албатта, мамлакатимизда интеллектуал мулк объектлари эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Қисқача айтганда, янги таҳрирдаги Боғжона кодекси Ўзбекистон Республикаси таъминоти фаолияти самардорлигини ошириш, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар, мамла-

катимиз ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада тараққий этишининг, энг асосийси, уларнинг маҳсулоти жаҳон бозорларига чиқиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратишнинг муҳим омилига айланади.

ракки, Олий Мажлис Сенати ялли мажлисида мазкур ҳужжат атрофича кўриб чиқилган, жойларда унда белгиланган қоидалар сенаторларимиз томонидан соҳа экспертлари, олимлар, мутахассис идоралар вакиллари иштирокида кенг тарғиб қилинди. Ташқи иқтисодий фаолият

тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунчилик ҳужжати бўлади.

Камолитдин ВАҚҚОСОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат боғжона кўмитаси
бошқарма бош инспектори:
— Янги таҳрирдаги Боғжона кодексида фаолиятимизни

дан мустақамланди. Мазкур тартиб боғжона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини сезиларли даражада қисқартиради. Бу эса, ўз навбатида, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан товарларни боғжонада расмийлаштириш тартиб-таомилларини анча энгиллаштиради. Боғжона расмийлаштируви учун зарур ҳужжатларни электрон кўринишда тақдим қилиш, электрон декларациялаш ҳамда электрон рақамли имзодан фойдаланиш эса, табиийки, боғжона назорати амалиётини кескин равишда соддалаштиради ва тезлаштиради.

Кодексда боғжона тўловлари оид масалалар янада батафсил тартибга солинди. Жумладан, боғжона тўловларини тўлаш тартиби ҳамда муддатларини белгилашга доир махсус боб ажратилган бўлиб, унда боғжона тўловларини амалга ошириш муддатлари, тартиби ва шакли аниқ ифодаланди. Шунингдек, боғжона тўловларининг тўланиши ҳамда давлат бюджетига ўтказиш расмиятчиликларининг соддалаштирилган ушбу жараёнга сарфланадиган вақтини янада қисқартиришга имкон беради.

Боғжона қонунчилигини бир хиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида қабул қилинган ҳамда кучга кирган мазкур Кодекс боғжона ишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, самардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

«Халқ сўзи» мухбири Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.

Боғжона ишининг ҳуқуқий асослари янада такомиллашди

Сайёра БАРАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенати аъзоси:

— Янги таҳрирдаги Боғжона кодекси иқтисодий ислохотларни янада либераллаштириш ҳамда чўқурлаштиришнинг бугунги талаб ва вазифалари билан ўйғун бўлиб, ушбу соҳадаги ўзгаришларни янги босқичга кўтаради. Зотан, бу билан боғжона ишининг халқаро стандартларга мос бўлган, тарқоқ норма ҳамда қоидаларни умумлаштирувчи ягона қонунчилик базаси шакллантирилди, боғжона тартиб-таомилларига оид норма ва ёндашувлар унификациялаштирилди ҳамда ташқи иқтисодий фаолият тартибга солишда шаффофлик кўчатирилди. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишда давлатимизнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашга оид янгича ёндашув ва мезонлар асос қилиб олинган.

Шуни алоҳида қайд этиш ке-

иштирокчиларига янги таҳрирдаги Боғжона кодексидаги янгиликлар чуқур тушунирилди.

Ушбу ҳужжат билан бир қатор янгиликлар, хусусан, соҳада “бир даража” тизимининг жорий қилиниши ташқи иқтисодий фаолият учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, ташқи савдонини амалга оширишда маъмурий ва техник тўсиқларни қисқартириш имконини беради. Товарларнинг боғжона расмийлаштируви жараёнини энгиллаштиради. Боғжона назорати чоралари самардорлигини ҳамда давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш. Негаки, Боғжона кодекси, энг аввало, қонун-ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини камайитириш, қарама-қарши нормаларни бартараф этиш, ҳуқуқий нормаларни янада аниқ ва тушунарли ифода этиш орқали ташқи савдодаги бюрократик тўсиқлар даражасини пасайитиришга йўналтирилган. У

Янги портал имкониятлари

Давлат солиқ хизмати органларининг янги “Электрон солиқ хизматлари” портали тест режимида амалиётга жорий этилди. У давлат солиқ хизмати органларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган электрон давлат хизматларини оптималлаштириш, уларнинг сифатини яхшилаш, харажатларни камайитириш ҳамда солиқ тўловчиларнинг интерактив хизматлардан қониқиб даражасини ошириш мақсадида татбиқ қилинмоқда.

СОЛИҚ ТИЗИМИ

Янги порталнинг бош саҳифаси очилганда, аввало, солиқ органининг ходими видео тарзда кўри-ниш беради ва фойдаланувчиларга сайтнинг имкониятларини қисқача тушуниради.

Унинг яна бир қўлайлиги — бу керакли хизматларни тез ва осон қидириш мумкинлигини. Ишлашни янада соддалаштириш учун му-рожаатлар ҳамда ҳисоботларни юбориш, рўйхатга олиш, солиқларни ҳисоблаш

ва маълумотномалар олиш каби хизмат йўналишлари очилган. Яъни жисмоний шахслар учун ҳам, юридик шахслар учун ҳам, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ҳам хизматларни танлаш имконияти маъжуд.

Унда, шунингдек, барча тоифадаги солиқ тўловчиларга алоҳида “Шахсий кабинет” ташкил этилган. Ваҳолонки, илгари яқка тартибдаги тадбиркорларнинг “Шахсий кабинет”и йўқ эди. Бундан ташқари,

“Шахсий кабинет”ларда солиқ тўловчиларга бир нечта янгиликлар жорий этилган. “Шахсий маълумотлар”, “Ҳисоб-китобларнинг жорий ҳолати”, “Солиқ органлари билан ёзишмалар”, “Фойдали маълумотлар” каби қўлай навигацияли блоклар ана шулар жумласидандир.

Янги “Шахсий кабинет”да солиқ органлари билан барча ёзишма ва хабарлар алоҳида блокда йилгилади. Шу билан бирга, “Шахсий кабинет”га кирганда, бюджет ҳамда бюджетдан ташқари актуал жорий маълумотлар тақдим этилади.

Порталда солиқ тўловчиларга хизматлардан фойдаланиш, улардан хабардор қилиш бўйича ягона стандарт ишлаб чиқилган. Хусусан, ҳар бир хизматдан фойдаланувчи учун қўлланма ва хизмат бўйича жавобгар шахс тўғрисидаги маълумотлар муҳасамлаштирилган.

Эндиликда солиқ тўловчилар ҳар бир хизмат бўйича ўз фикрини билдириш, хизматларга баҳо бериш, солиқ органлари эса солиқ тўловчиларнинг тақлиф ҳамда эътирозларини кўриб чиқиш имкониятига эга бўладилар.

Эслатиб ўтамиз, жорий ой давомида вужудга келган камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида my.soliq.uz портали тест режимида ишлайди. Ушбу давр ичида давлат солиқ хизмати органларининг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш янги ҳамда олдинги тизимлар орқали амалга оширилади.

Янги портал бўйича тақлиф ва мулоҳазаларни mysoliq@oliq.uz электрон манзили ёки my.soliq.uz порталидаги “Алоқа” бўлимида жойлаштирилган манзилларга юборишингиз мумкин.

Давлат солиқ кўмитаси Ахборот хизмати.

МЕЛИОРАЦИЯ

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари, шу жумладан, аграр секторни модернизация қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш, аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш бўйича кенг кўламли савй-харажатлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда, табиийки, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга устувор аҳамият берилаётгани муҳим омил бўлаётган.

Дастурий вазифалар ижроси

қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда муҳим ўрин тутаяпти

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан “Мелиорация — ҳосилдорлик гарови” мавзuida ташкил этилган матбуот анжуманида шулар хусусида батафсил сўз қилинди.

Дунёда аҳоли сони шиддат билан ўсаётган, иқтисодиёт жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги шароитда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ҳам тобора ортиб бораётгани қайд этилди. Шундай экан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш сизот сувлари сатҳини пасайитириш, ерларнинг шўрланиш даражасини камайитиришга қаратилган чора-тадбирлар кўламини йил сайин кенгайтириш бўлган Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламча бўлаётган.

Ушбу ҳўжат асосида Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, мазкур йўналишда фаолият юритиш ташкилотларга замонавий мелиорация техникаси ва асбоб-ускуналар етказиб бериш мақсадида “Ўзмелиомашизинг” лизинг компанияси, мелиорация ва бошқа сув ҳўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган 48 та давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Натижада ўтган даврда 2 миллион гектардан зиёд суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувлари сатҳи меъёр даража-

сида ушлаб турилиб, улар мелиоратив ҳолати ёмонлашувининг олди олинди. Шунингдек, кучли шўрланган майдонлар 36 минг гектарга, ер ости сизот сувлари сатҳи 2 метрга бўлган майдонлар эса 257,3 минг гектарга камайитрилди. Энг муҳими, бундай тадбирлар амалга оширилган ерларда пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 3-4 центнер, бошоқли дон экинлари эса 4-5 центнер ошди.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 19 апрелдаги қарори асосида қабул қилинган 2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури доирасида тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги пасайишига сабаб бўлувчи омилларга барҳам бериш юзасидан қўрилаётган савй-харажатлар тўғрисида шундай ҳисобот берилди, “Алоқа” бўлимида жойлаштирилган манзилларга юборишингиз мумкин.

Жорий йилнинг уч ойида эса мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва куриш бўйича 26 млрд. 23,5 млн. сўмлик иш бажарилиб, 15,4 километрик очик ва 35,5 километрик ёпиқ-ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 3 та вертикал кудук, битта гидро-техник иншоот, 24 та мелиоратив кузатув кудуги реконструкция қилинди. Буларнинг барчаси, пировардида қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги сезиларли даражада орттириш, деҳқонларимиз даромади янада кўпайиб, халқимиз турмуш фаровонлиги бундан-да юксалишига хизмат қилиши айни мўддадор.

Д. ЖУМАОБОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унга кўра, “Тадбиркорларнинг энг яхши ҳамқори ва ишончли таянчи” номинациясида “Траст-банк” хусусий акциядорлик тижорат банки голиб сифатида эътироф этилган бўлса, “Хорижий кредит линияларини жалб этаётган энг яхши банк” йўналишида “Ўзсаноатқурилиш-банк”, “Энг яхши микрокредитлаш хизмати” йўналишида “Микрокредитбанк”, “Мижозларга сифатли хизмат кўрсатувчи энг яхши банк” номинациясида “Ориент финанс банк”, “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” йўналишида “Агробанк”, “Кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” йўналишида “Қишлоқ қурилиш банк”, “Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” йўналиши бўйича “Асака” акциядорлик тижорат банки, “Энг фаол инвестицион банк” номинациясида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” йўналишида “Асия Банк”, “Сўров натижаларига кўра, энг кўп овоз тўплаган банк” йўналишида “Ипак йўли” банки, “Қишлоқ фаровонлигига қўшаётган ҳиссаси учун” йўналишида “Ипотека-банк”, “Инновацион гояларни қўллаб-қувватлашга интилувчан энг яхши банк” номинациясида “Капиталбанк”, “Мижозларга масо-

Юртимиз банк тизимининг юксак салоҳияти

«BankExpo — 2016» IX миллий кўргазмаси иштирокчилари томонидан яна бир бор эътироф этилди



фадан хизмат кўрсатувчи энг яхши банк” йўналишида “Алоқабанк”, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг ижросида энг фаол иштирок этаётган банк” йўналишида чет эл капитали иштирокидаги “Савдогар” акциядорлик тижорат банки энг яхши, деб топилди ва улар муносиб тақдирланди.

— Биз Ўзбекистонда йигирма йилдан зиёд вақт мобайнида муваффақиятли фаолият юритиб келаямиз, — дейди “ҚДБ Банк Ўзбекистон” (Жанубий Корея) акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ин Жу Ким. — Биласизки, дунёда ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инкироз кўпгина давлатлар банк тизи-

мига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса уларнинг катта миқдорда зарар қуришига, капиталлаш даражасининг кескин пасайишига сабаб бўлаяпти. Юртингизда эса Президент Исрол Каримов томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор, қолаверса, республикангиз банк тизими раҳбарияти томонидан банкларнинг барқарор ишлаши учун ички манбаларни тўлиқ жалб этиш, аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида ишлаб чиқилган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳамда олиб борилаётган кучли бошқарув усули Ўзбекистон банклари кафолатли ва барқарор фаолият

кўрсатишини таъминламоқда. Бинобарин, Марказий банкнинг кўмаги тўғрисида бизнинг банкимиз капитални ҳам, ресурс базаси ҳам йилдан-йилга ортиб бораёпти. Пировардида бир йўла иккита нуфузли халқаро рейтинг агентлигининг “Барқарор” рейтинг баҳосини олишга муяссар бўлдик. “BankExpo — 2016” IX миллий кўргазмасида эса “Хорижий инвесторларни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” номинациясида голибликни қўлга киритдик. Албатта, ушбу муваффақиятлар аҳолининг банкимизга бўлган ишончи янада ошишига хизмат қилади. Шу маънода, Ўзбекистон банк тизимида олиб борилаётган ис-

лохотларни бошқа давлатлар молия муассасаларига ўрнат сифатида кўрсатса, арзийди.

— Ўзбекистон — банк тизими салоҳияти юксак мамлакат, — дейди халқаро эксперт Иэн Адер. — У изчил ривожланиб, ресурс базаси йилдан-йилга кўпаяётгани, айниқса, иқтисодиётнинг таянч кучи — кичик бизнес вакилларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу йўналишда белгиланган прогноз кўрсаткичлари ўтган йилдаги нисбатан 30 фоиз ўсгани ана шундан далолат беради.

Юртингиз банк тизими бундан кейин ҳам халқаро стандартлар талаби даражасида аҳолига барқарор, ишончли ва кафолатли хизмат кўрсатишига ишонаман. Бунга “BankExpo — 2016” IX миллий кўргазмаси мисолида гувоҳ бўлдик.

Умуман олганда, ушбу тадбир мамлакатимиз тижорат банклари “Мижоз банк учун эмас, банк миқоз учун” тамойили асосида халқимиз фаровонлигини бундан-да оширишга хизмат қилаётганлигини яна бир қара исботлади.

Дилшод УЛУҒМУРDOV, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Лондон ва Нью-Йорк биржаларида нефть нархи яна пасайди.

Нархдаги беқарорлик

Масалан, "WTI" типидagi "қора олтин" қиймати 2,46 фоиз тушиб, бир баррелди 40,07 АҚШ долларидан сотилган. "Brent" маркаси эса 1,98 фоиз арзонлашди ва ҳар баррелди учун 43,16 доллардан тақлиф қилинган.

Талаб камайиб бормоқда

АҚШнинг компьютерлар тайёрлашга ихтисослаштирилган "Intel" компанияси раҳбарияти жорий йил давомидида иш ўринлари сони 12 мингга қисқартирилишини билдирди.



Бундай чора-тадбир қўлланилиши унинг маҳсулотларига бўлган талаб камайиб кетаётгани билан боғлиқ. Қолаверса, мазкур брендга тегишли қимматбаҳо қоғозлар баҳоси шу

ҳафтада 2,5, йил бошидан буён эса 8,4 фоиз тушиб кетган.

Компания бизнесини реструктуризация қилиш доирасида 1,2 миллиард доллар сарфлаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини замон талаблари асосида янада такомиллаштириши ниятида.

Умуман, шу йилнинг биринчи чорагида дунё бўйича шахсий компьютерлар савдоси 11,5 фоиз камайган. Бундай ҳолат 2007 йилдан бери илк бор кузатилди.

Мураккаб жараёнларда фойдаланилади

Норвегияда сув юзаси ва остида ҳаракатлана оладиган робот-илон яратилди.



"Statoil", "Kongsberg Maritime" компаниялари ва "Eelume" фирмаси ҳамкорлигида ишлаб чи-

қилган мазкур қурилма денгиз ҳамда океанлар тубида тадқиқот ўтказиш, турли иншоотларни ўрнатиш ва таъмирлашда фойдаланишга мўлжалланган. Мисол учун, у ҳажми ҳамда эгилувчанлиги туфайли кириш қийин бўлган жойларга бемалол бора олади.

Митти смартфон

Жаҳондаги энг кичик смартфон омма эътиборига ҳавола этилди. "Posh Mobile Micro X S240" русумидаги алоқа воситасининг ўлчови 89x47x11,6 миллиметрда, оғирлиги эса 52 граммга тенг.



Кўриниши содда бўлса-да, кўрсаткичлари бўйича ҳеч бир мобил телефондан қолишмайди. Жумладан, унга 2,4 дюймли сенсор дисплейи ўрнатилган, 512 мегабайтлик оператив ва 4 гигабайтлик флеш хотирага эга. Олд ҳамда орқа томонида камералари бор. Аккумулятори тўлиқ қувватлантирилса, суҳбат чоғида 4 соат, ишлатилмай турган вақтда эса 180 соатга етади.

Ишонч ва омад белгиси

Франциянинг "Cartier" заргарлик-соатсозлик уйи навбатдаги маҳсулотлари коллекциясини намойиш қилди.



Эътиборлиси, узук, сирга, биллагузук, шода каби тақинчоларда, асо-

сан, ок, сарик, қизил олтин, ёғоч ҳамда малахит (яшил рангли тош)дан кенг фойдаланилган.

Уларни яратганларнинг айтишича, бунинг сабаби ёғоч ўзига бўлган ишонч, малахит эса омад рамзи бўлса, тилла ички энергияни кучайтира экан.

"Атмосфера" 40 кундан кўп давом этади

Швециялик режиссёр Андрес Веберг томонидан энг узоқ вақт давом этадиган фильм суратга олинмоқда.

2020 йилда тугалланиши кутилаётган ва "Атмосфера" номини олган ушбу картина давомийлиги 40 кундан ҳам кўп. Бу ҳақда "The Independent" нашри хабар тарқатди. Яна бир қизиқ томони, мазкур ижод маҳсулига оид етти соатлик ролик (трейлер) тайёрланди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

СОҒЛОМ, ДУНЁҚАРАШИ КЕНГ, ИРОДАСИ МУСТАҲКАМ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— 2003 — 2015 йилларда жами 176 та иншоот янгидан қурилди ва тубдан таъмирланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Андижон вилояти филиали директори Неъматулло Абдурахмонов. — Жумладан, 12 та V тип, 2 та II тип, 2 та индивидуал типдаги болалар спорт мажмуаси, 4 та болалар спорт майдончаси, 86 та спорт зали, 25 та болалар мусика ва санъат мактаби, 18 та сузиш ҳавзаси ҳамда 27 та спорт иншооти навқирон авлод ихтиёрида. Эътиборлиси, Жамғарма томонидан барпо этилган иншоотларнинг 87 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Жорий йилда эса 22,5 млрд. сўмдан зиёд маблағ эвазига вилоятдаги 23 та иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган. Болажонларимиз учун жаҳон андозаларига мос

залирига, футбол майдонларига келаятганларнинг сафи тобора кенгайиб бораётгани диққатга сазовор. Зеро, бу истиқлол туфайли уларнинг дунёқараши ўзгариб бораётганидан, бугунги бунёдкорликдан гурурланиш туйғуси жўш ураётганидан далолатдир.

Асака туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тасар-

бўлмас эди, — дейди Асака тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Адҳамжон Хўжаев. — Замонавий стадионлардан фойдаланаётган, бежирим либосларни кийиб, спортнинг бир неча турлари билан шуғуллана-



руфидаги сузиш ҳавзаси, теннис майдонлари ҳамда спорт мажмуалари замонавий талабларга тўлиқ мос келади. Ёпиқ типда 25x11 метр ҳажмда сузиш ҳавзаси қурилиб, фойдаланишга топширилиши ҳудуд аҳолисига муносиб тўхфа бўлди. Айни пайтда бу ерга 420 нафар ўқувчи-

ётган бугунги авлодга қараб, ҳар қанча ҳавас қилсак, арзийди. Тўғри, уларнинг ҳаммаси чемпион ёки машҳур бўлмас, аммо жисмоний тарбияни кундалик одатга айлантириш саломатлик кафолатидир. Мана шу муҳим ҳақиқатни бугун ота-оналар, маҳалла фаоллари англаб етаётгани — энг катта ютуғимиз. Кези келганда, бир мисолни айтиб ўтай. Бундан икки ой бурун ёнимизга эр-хотин келиб, ўн ёшли қизининг умуртқа поғонасида нуқсон борлигини, шифокорлар эса сузиш билан мунтазам шуғулланиши кераклигини маслаҳат беришганини билдиришди. Ўша кунданок мураббийларимиз шу қизча билан машғулот ўта бошлашди. Яқинда шифокорлар уни текшириб, аҳоли яхшила-

наётганини таъкидлашди. Биз бу хушxabарни қизалоқнинг ота-онасига етказдик. Уларнинг қувончдан боши осмонга етганини бир кўрсангиз эди?! Қаранг, шундай шароит бўлмаганда, ёш қизчанин аҳоли қандай кечарди? Гап шундаки, буларнинг барчаси мамлакатимиздаги жамики ёшларнинг Юртбошимиз томонидан: "Менин болаларим" деб ардоқланаётганлиги туфайлидир. Бундай эъзоз ва улкан ғамхўрлик қайси юртда бор?!

Чиндан ҳам, вилоятда болалар спортини оммалаштириш бўйича қурилган чора-тадбирлар натижа-сида 2005 йилда мактаб ёшидаги мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 53,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу рақам 64,4 фоизга етди. Яъни ўтган давр мобайнида 6 — 15 ёшдаги ҳар 100 минг нафар бола хисобига ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан касалланиш 30,7 фоиз камайиб, 7 — 14 ёшли ўғил болаларнинг бўйи ўртача 4 сантиметр, қизларнинг бўйи эса 3,3 сантиметр ўсган.

— Ўсмирларни спортга қизиқтириш ва жалб этишда мураббийларнинг ўрни беқиёс, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Андижон вилояти филиали мутахассиси Музаффар Мамадинов. — Шу маънода, бугунги кунда ҳудудимизда жами 10 нафар мураб-

бийга эҳтиёж борлиги аниқланиб, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт институти, Андижон давлат университети ҳамда Андижон олимпик заҳиралари коллежини битираётган мутахассислар ишга жалб қилинмоқда. Умуман, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган бу каби юксак эътибор натижа-сида 2015 йилда вилоятнинг 10 минг 551 нафар ёш спортчиси 284 та халқаро ва республика миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, 1 минг 996 та медални кўлга киритди. Бундан ҳар биримиз фахрланамиз, албатта.

Табииyki, бундай юксак марраларни қўлга киритаётган болалар миллионлаб Ўзбекистон ёшларининг муносиб вакиллари-дир. Азму шижоати баланд ўғил-қизлар бу каби ютуқлари билан минг-минглаб тенгдошларига ибрат бўлмоқда, уларни катта мақсадлар йўлида руҳлантирмоқда. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, спорт билан мунтазам шуғулланиш болаларимиз, ёшларимизнинг соғлом қарашларини шакллантиради ва иродасини тоблайтиди, уларнинг мард ҳамда жасур инсонлар бўлиб камол топиши, турли-туман синов ва қийинчиликларни мардонавор ениб ўтишга қодир бўлиши учун мустаҳкам замин яратлади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Qishloq Qurilish Bank

Юртдошларимизга қуйидаги омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютада:

- «Соғлом авлод» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- «Омад» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- «Ёрқин келажак» — омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

«Юқори даромад» — омонатга маблағлар 8 ойдан 15 ойгача қабул қилинади.

Омонатга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

- «Капитал плюс» — омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади.
- «Percent» — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- «Profit» — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ доллариди қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилайётган уй-жойларни оловчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган:

- «Мадад» — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
- «Хонадон» — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
- «Қурилишга бошланғич бадал» — муддати — 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- эгалик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-39-93.

www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!
Хизматлар лицензияланган.

ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказилаётган "Илмининг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.

Иزلаниш ва муваффақият

Иштирокчиларнинг мураккаб мавзулар бўйича очик дарс ўтиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, интерфаол усулларни амалиётга жорий қилиш, таълим-тарбия уйғунлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги билим ҳамда маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

— Бу каби тадбирлар ўз устимизда мунтазам ишлаш, машғулотларни илгор педагогик технологиялар асосида ўтиш бўйича тажриба орттиришимизга ҳам катта ёрдам беради, — дейди танлов ғолиби, Мирзо Улуғбек туманидаги 275-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мадина Рустамова. — Келгусидаги муваффақиятлар омили ҳам шунда.

Ихтиёр МАҲМАТҚУЛОВ.

GRUZHINA.UZ

КўП ТУРДАГИ АВТОШИНАЛАР

Махсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Тел.: (+99871) 250-07-40. Факс: (+99895) 170-32-52.

Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси жамоаси бош директор ўринбосари — комбинатнинг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси раҳбари Саидахрол Ганиевич Гуломовга онаси

Ровзия ҒУЛОМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси ўқув ишлари бўйича проректор, профессор Қаҳрамон Хаитовга онаси

Наима ХОЛМУХАМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Иккинчи чет тилини интенсив ўқитиш кафедраси ўқитувчиси Эъзоза Бўриевага онаси

Бумайрам БҮРИЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

...Биз дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтарилишни энг юксак мақсадимиз сифатида кўйган эканмиз, бундай ўта муҳим ва масъулиятли вазифа, авваламбор, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаятган, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ватанпарварлиги ва ҳозирлиги билан ажралиб турадиган ёш авлодимиз зиммасига тушади.

Ислом КАРИМОВ



ЭНГ ГҮЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси сони 1 миллион 700 мингдан зиёд бўлиб, шундан **1 080 000** нафардан ортигини ёшлар ташкил этади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 702 та умумий ўрта таълим мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларда 261 минг нафардан зиёд ёшлар ўқишаётир. Шунингдек, 103 та касб-хунар коллежи, академик лицейда 80 мингга яқин навқирон авлод вакиллари таҳсил олмақда. Мавжуд 8 та олий ўқув юртида эса 20 мингдан ортиқ ўқил-қизлар ўз билимларини мустаҳкамлаяпти.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا қорақалпоқ қизларидан 16 нафари сазовор бўлган.

Орлбўйида 22 та болалар ва ўсириллар спорт мактаби мавжуд. Улар 125 мингдан ортиқ ёшларни қамраб олган. Ўғил-қизларнинг 320 нафардан кўпроги мамлакатимиз ва халқаро спорт мусобақалари голибидир.

Қорақалпоғистон Республикасида 21 болалар мусиқа ва санъат мактаби бўлиб, унда 3 минг 700 нафардан ортиқ ёшлар илм эгаллаяпти. Навқирон ихтидорларнинг 30 дан зиёди эса республика ҳамда жаҳон миқёсидаги кўрик-танлов, фестиваллар совриндоридир.

Атлас, адрас – жозибаси, жило

Бежирим либослар аёлларимизга ўзгача тароват ва ҳусн бағишлайди. Шу боис момоларимиз доимо чиройли кийим-кечаклар тикишга интилишган. Уларнинг ўзига хос дизайни бугунги кунда ҳам мода оламининг етакчи анъаналаридан бири саналади.

Миллий матолар асосида шарқона гўзаллик яратиш — бош мақсадим, десам, муболага эмас. Шу боис бир қатор ижодий изланишлар олиб бораёяман. Олис қишлоқларида истикомат қилаётган момоларимиздан нафақат либос, балки кашта, Албатта, уларнинг шакли аввалгиларига ўхшамасада, матоси атлас, адрасдан иборат. Уларда замонавий модель, бежирим услуби ва миллий ранг-баранглик акс этади. Утган йиллар мобайнида мамлакатимизда ташкил қилинган модалар фестивалида бир қатор янгича моделларни намойиш этдик. Лойиҳаларнинг тикилиш технологияси, жозибаси иштирокчилар, хусусан, хорижлик мехмонларда яхши таассурот қолдирди.

Айни пайтда Нукус шаҳрида тикувчилик цехи фаолиятини йўлга қўйди. Унда ўнга яқин касб-хунар коллежи битирувчилари тикиш сирлари, мода оламидаги янгиликлардан воқиф бўлиб боришапти.

Хозирги кунда ноанъанавий кўйлақлар тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз.

Айзада СЕЙТИБАЕВА, ёш дизайнер.

Қорақалпоғистон Республикасида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатига **276 000** нафардан кўпроқ йигит-қизлар аъзо.

«Обод юрт фарзандиман. Исмим Азамат»

Глобаллашув жараёнида дастурчиларнинг изланиши алоҳида аҳамиятга эга. Боиси, уларнинг аксарияти ўз халқининг тарихи, маданияти, адабиёти, санъати ва бошқа хусусиятларини ёрқин бўёқларда жаҳон ҳамжамияти эътиборига ҳавола этади. Шунинг учун ҳам дастурий маҳсулот тайёрловчилар доимо изланади, виртуал оламнинг ўзгаришларидан ўз вақтида хабардор бўлиб боради.

Нукуслик Азамат Примбетов ана шундай ёшларимиздан бири. У қатор йўналишларда янги лойиҳалар ишлаб чиққан. Асосийси, уларнинг барчасида қорақалпоқ халқининг ўзига хослигини кўрсатишга эътибор қаратилган.

Дастур яратиш — мураккаб юмуш, — дейди Азамат. — Энг содда лойиҳани амалга ошириш учун ҳам камида икки ой танловида алоҳида эътироф этилган. Утган йили VII инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасининг ҳудудий босқичи голиби бўлган, шунингдек, қатор хорижий компанияларнинг махсус дипломлари билан ҳам тақдирланган.

Энг муҳими, у муқом турли ишланмалар устида изланишлар олиб бормоқда. Ишонимизки, булар келажақда ўз мевасини беради.

ИЗЛАНИШ

Вақт кетади. Чунки у турдошларига ўхшаб қолмаслиги учун янгича қарашлар ва ечимларни ўйлаб топиш лозим. Бугунги кунда виртуал оламда дастурчилар ўртасида кечаётган ўзаро рақобатнинг асл моҳияти ҳам шунда — фантазияларга асосланиб, ноанъанавий маҳсулот тайёрлаш.

Еш дастурчининг ишлари Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган "Юрт келажаги" кўрик-

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудида бекиёс янгиланишлар ҳамда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кенг ва раvon кўчалар, кўшим хийбонлар, кўркам тураржой, муҳташам таълим муассасалари кўшига фахр-ифтихор бағишлайди. Шу каби имконият ҳамда қулайликлардан баҳраманд бўлиб камол топаётган, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларга эга навқирон авлод катта ҳаётга юксак ишонч ҳамда умид билан кириб келмоқда. Улар ихтиролар қиляпти, халқаро спорт мусобақалари, фан олимпиадаларида юртимиз шаъни ва кадр-қимматини улугламоқда. Бу борада

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ёшларининг юксак иқтидори, ақл-заковати ҳамда азму шижоатини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Негаки, уларнинг турли соҳаларда эгаллаётган улкан марралари нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларда ҳам катта ҳавас уйғотаёпти. Ушбу саҳифада ана шундай иқтидорли ёшлар ҳақида ҳикоя қилинади.

ИҚТИДОР

Болалигимдан спортнинг шотокан каратэ-до турига меҳр кўйганман. Бир оз улгайгач, Нукус шаҳридаги спорт мажмуасига қатнаш бошладим. Шу вақтдан эътиборан спорт мени бутунлай ўзига ром этди. У билан астойдил шуғулландим, маҳоратимни ошириб бордим. Бугун эса, ишонч билан айтаманки, спорт ҳаётимнинг мазмунига айланиб улгурди.

Ўзингга ишон, қатъиятли бўл!

Мамлакатимизда қизлар спортига катта эътибор қаратиляпти. Ҳар бир юртдошимиз ўзбек қизларининг жаҳон ареналарида кўлга киритаётган ютуқларидан фахрланиди. Узимдан мисол, ўтган давр мобайнида юртимиз ва халқаро миқёсда ташкил этилган бир қатор мусобақаларда қатнашдим. 2015 йил эса мен учун нуқтилас воқеаларга бой бўлди. Жумладан, Грузиянинг Тбилиси шаҳрида ташкил қилинган жаҳон чемпионатида 2-ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирландим.

Ота-онам илгари бундай имкониятлар бўлмаганини, айниқса, қизларнинг спортда ўз иқтидорини намойиш этишига шароит яратиш берилмаганини айтиб, бугунги кунларнинг қадрига етиш кераклигини ўқтирашди. Камтарона хизматларим юксак баҳоланиб, яқинда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндор бўлдим. Бу медал олам-олам кўвонч бағишлайди. Хозир Нукус шаҳридаги 22-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабидан таҳсил олиш баробарида, бир неча тилларни чуқур ўзлаштиришман. Қолаверса, спорт соҳасида билганларимни болаларга ўргатиб келяяман. Улар орасидан ҳам Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтарадиган спортчилар етишиб чиқиши, шубҳасиз.

Айза БОЙЖИГИТОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.

Истеъдод тантанаси

Буркит Пиязов — 55 ёшда. Нукус шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси. Инжигул Сабурова — 54 ёшда. Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. "Мухаллес" номидаги дуторчилар ансамбли созанади. Уларнинг ёшлик чоғида Қорақалпоғистонда

таълим ҳамда санъат қошоналари кам эди. Яъни пухта билим олиш, самарали ижод қилишлари учун имконият етарли эмасди. Шу боис саҳналаштирилган қатор спектакллари яратилган бошқа санъат асарлари оммавий тарзда намойиш этилмаган. Натijaда аҳоли, хусусан, ёшларнинг аксарияти ижод маҳсулларидан бебаҳра қолган.

ФАХР

нишлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. 2007 йили "Нихол" мукофотиغا сазовор бўлди. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонида биноан, "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Женисбекнинг бахту иқболлидан ҳаммадан ҳам кўра, унинг ота-онаси қувонади. Фарзандининг ютуқлари уларга катта хурсандчилик бағишлайди, гўёки ўзларига армон бўлиб қол-

Иқтидорли вокалчи 2014 йили Президентимизнинг Фармонида мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист" фахрий унвонига муносиб кўрилди. Албатта, бундай бахтли онларни сўз билан таърифлаш мушкул. Аммо бунинг замирида юртимизда ёш истеъдод эгаларини рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдек эзгу фазилятлар мужассамлигини дилдан ҳис қилсан, киши.

Дилмурод СОДИҚОВ, "Халқ сўзи" муҳбири.



Кенг далалар яшилликка бурканган. Кўжда кўёш чарақлайди. Аёллар оловдай товланувчи узун кўйлақ, эркаклар оҳори тўқилмаган чопон кийиб олишган. Барчасининг юзидан табассум. Уларнинг бири қўйиб, бири қўлиқ айтади, ўйнайди, кулади. Нарироқдаги дошқозонда сумалақ қайнайди. Бир гуруҳ отахонлар ош пиширишмоқда. Билги кучга тўла йигитлар кураш тушади, кўпкери чопади. Қисқаси, бу манзара унутилмас кун — Наврўз ҳақида.

Бу лавҳалар қорақалпоғистонлик ёш мусавир Шодия Пархадованинг "Саодатли кун" номили пейзажида акс эттирилган.

Бунга томоша қилган киши ўзини гўёки Наврўз сайлида гўржандек ҳис қилади. Шодия эндигина ўн саккиз баҳорни қаршилади.

Шундай бўлишига қарамай, унинг асарларида кишини мушоҳада юритишга чорловчи, эзгуликка ундовчи мезонлар мужассам. У чизгиларида, асосан, она-табиатнинг тасвирлашни хуш кўради. "Орзу" деб номланган асариде эса осмон тоғига туташиб кетган денгиз акс этган.

САНЪАТ

Эндигина бош кўтараётган кўнш унда мавжланди. Бағлиқчи қўшлар, қадирғочлар сув узра чарх уриб уцади. Олисдан эса улкан елканли кема кўринади. Албатта, бу — муаллифнинг орзуси. Шодия бир кун келиб Орол қайтадан тўлишига ишонади. Хозирги кунда Бердақ но-

ган орзуларининг ижобатини унда кўргандек бўлади.

Шу ўринда яна бир гап. Женисбек қисқа фурсат ичида дунё опера санъати вакиллариининг эътиборини ўзига қарата олди. 2010 йили Озарбайжонда ўтган танловда, 2011-2012 йилларда Германиянинг Мюнхен шаҳрида ташкил этилган опера фестивали, вокалчилар ўртасида Муслим Магомаев номидаги халқаро танловда уни гулдурос қарсаклар билан кўтиб олишди. Негаки, у жаҳон ахлига истеъдоднинг тантанасини исботлаб берди.

— Ўз иқтидори билан халқининг назарига тушиш, жаҳон саҳналарини забт этиш, дунё санъат илосмандларининг эътирофу олқишига сазовор бўлиш — ҳар бир санъаткорнинг эзгу мақсади, — дейди Ж. Пиязов. — Мамлакатимизда биз, ёшларнинг таълим олишимиз, касб-хунар эгаллашимиз, ўз салоҳиятимизни намойиш қилишимиз учун яратилаётган кенг имкониятлар болалик орзуларимизнинг рўёбга чиқишида қанот бўлмоқда.

Тасвирларда улкан орзулар

олам-олам таассурот бағишлайди. Худди шундай асарлар яратишга руҳлантиради.

Шодия Пархадованинг расмларида юртимизнинг бетакрор табияти ва оназамин неъматлари ёрқин рангларда ўз ифодасини топган. Бинобарин, ижодкор кизнинг эртанги кундан умидлари кўп. Ишончимиз қомил, у ўз мақсадига, албатта, эришади.

Дилмурод АБДУРАИМОВ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 473 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўёғмазлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилади.
Рекама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мусаҳҳиҳ — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50
Тошпирилди — 21.40 1 2 3 4 5 6